MUBORAK TUMAN HOKIMI

Q A R O R I

2020 йил “ 25 ” июнь HQ-743/06-сонли Муборак тумани

Давлат ўрмон фонди ерларида ёнғин хавфини олдини олиш чора-табдирлари тўғрисида

2020 йилда Давлат ўрмон фонди ерларида ёнғин келиб чиқишининг ҳамда табиатга ва ўсимлик дунёсига зарар етказилишининг олдини олиш мақсадида: Муборак давлат ўрмон хўжалигининг 2020 йил 7 майдаги № 17-сонли хатини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг “Ўрмон тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил 5-сон, 122-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 ноябрдаги “Республика ўрмонларини ҳимоя қилиш бўйича айрим меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 506-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1999 йил, 11-сон, 68-модда)га ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонун (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 320-модда) нинг 6-моддасига асосан;

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. 2020 йилнинг ёз, куз фаслларида Давлат ўрмон фонди ерларида ва қўшни фермер хўжалиги ҳамда фуқаролар йиғинлари ҳудудида жойлашган ўрмонларда тамаки маҳсулотлари чекиш, ов қилиш ҳамда гулхан ёқиш қатъиян ман қилинсин.

2. Муборак Давлат ўрмон хўжалиги бўлимларида ёнғинга қарши кураш тадбирлари 1-иловага, фавқулодда ҳолатларда ёнғинни ўчириш режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Муборак Давлат ўрмон хўжалиги (Ф.Шукуруллаев) Ҳотам, Ҳайит ота, Янги ариқ ўрмон бўлимлари (З.Тўраев, Ф.Ҳамраев, М.Баҳронов),

“Яшнаобод” (Қорақум) МФЙ (Б.Тухтаев), Олмазор МФЙ (С.Нуранов), Обод турмуш МФЙ, (А.Эшниёзов), “Чорвадор” МФЙ (Р.Қурбонов) “Муборак” МФЙ (Т.Авезов), ёнғин хавфини олдини олишнинг барча тадбирларини ўтказиш бўйича масъуллиги белгилаб қўйилсин.

4. Муборак Давлат ўрмон хўжалиги (Ф.Шукуруллаев), Муборак туман ФВБ бошлиғи майор (Ж.Юлдашев), туман тиббиёт бирлашмаси (О.Насимов), “Ўзтелеком” АК Муборак туман филиали (Ш.Бозоров), Ҳотам, Ҳайит ота, Янги ариқ ўрмон бўлимлари (З.Тўраев, Ф.Ҳамраев, М.Баҳронов), “Яшнаобод” (Қорақум) МФЙ (Б.Тўхтаев), Олмазор МФЙ (С.Нуранов), Обод турмуш МФЙ, (А.Эшниёзов.), “Чорвадор” МФЙ (Р.Қурбонов) “Муборак” МФЙ (Т.Авезов) биргаликда Давлат ўрмон фондида ёнғин содир бўлганда, тезда кечиктирмасдан ёнгинни ўчириш учун етарли одамларни жалб қилиш ва уларни асбоб-ускуналар ва озиқ-овқатлар билан таъминлаш ҳамда тез тиббий ёрдам кўрсатиш чораларини кўриш вазифалари юклатилсин.

5. Муборак Давлат ўрмон хўжалиғи (Ф.Шукуруллаев), Муборак туман Табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси (М.Нормуродов), тумандаги “Яшнаобод” (Қорақум) МФЙ (Б.Тўхтаев), Олмазор МФЙ (С.Нуранов), Обод турмуш МФЙ, (А.Эшниёзов.), “Чорвадор” МФЙ (Р.Қурбонов) “Муборак” МФЙ (Т.Авезов) раисларига ўрмон хўжалиги ер фондига яқин аҳолига ўрмон хўжалиги фонди ерларида ёнғинни олдини олиш бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш ҳамда “Ўрмон тўғрисида”ги ва “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги қонунларни бузган шахсларга нисбатан тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб тегишли органларга тақдим этиш вазифалари топширилсин.

6. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Муборак тумани ҳокимининг 2019 йил 18 июлдаги Х-1891/07-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Р.Холмўминов зиммасига юклатилсин.

8. Қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

ASLIGA TO‘G‘RI MUBORAK TUMAN HOKIMLIGI

Муборак туман хокими: **У.Эрназаров**

Туман ҳокимининг 2020 йил
“ 25 ” июндаги HQ-743/06-сонли
қарорига 1-илова

Туман ҳудудидаги Давлат ўрмон фонди ерларида ёнғига қарши кураш тадбирлари

1. Ўрмонларда ва ўрмон билан қопланган Давлат ўрмон фонди ерларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун шахсан жавобгарликни ҳис этиш, ёнғин бўлиш эҳтимоли кучли даврда белгиланган ёнғин хавфсизлиги ишларини бажариш, Давлат ўрмон фонди ерларида чиққан ёнғинни тезкорлик билан ўчириш ва бу тўғрисида керакли ташкилотларга тезлик билан хабар қилиш.

Бажаради: Ўрмон хўжалиги ва фуқаролар йиғинлари.

Муддати: Мавсум давомида

2.Ўт-ўлан билан қопланган ерларда, қамишзорлар, ўрмонзорлар яқинида шамолли об-ҳавода гулхан ёқишни таъқиқлаш, ёниб турган нарсаларни ташлаш учун махсус жойларни ташкил қилиш.

Бажаради: Туман ФВБ, ўрмон хўжалиги ва фуқаролар йиғинлари.

Муддати: Мавсум давомида

3. Давлат ўрмон фонди ерларида ёнғин чиққан ҳолда, ёнғин чиққан жойга кўнгилли ёнғин ўчириш бўлинмаларини, белгиланган ёнғин ўчиш ишчи кучларини ўз вақтида етказиш, техника ва ёнғинга қарши транспорт билан таъминлашни тўғри ва аниқ ташкил қилиш.

Бажаради: Туман ФВБ, ўрмон хўжалиги, фуқаролар йиғинлари ва фермер хўжаликлари.

Муддати: Мавсум давомида

4. Чорва моллари боқиладиган, ов қилинадиган, беда ўриладиган ўрмонларда, болалар оромгоҳларида, дам олиш зоналарида ва геологик қидирув экспедицияларида комплектланган ёнғин ўчириш қуролларини бўлишини назорат қилиш, Давлат ўрмон фонди ерларига яқин ерларда ва унга олиб борувчи йўллар ёқасига оловдан эҳтиётлик билан фойдаланишга чақирувчи, ёнғин чиқиш хавфидан огоҳлантирувчи белгиларни қўйиш.

Бажаради: Туман ФВБ, ўрмон хўжалиги ва фуқаролар йиғинлари.

Муддати: Мавсум давомида

5. Оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланган ҳолда Давлат ўрмон қўриқчиларига шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш мавзуларида тарғибот ишларини олиб бориш.

Бажаради: Ўрмон хўжалиги ва фуқаролар йиғинлари.

Муддати: Мавсум давомида

6. Давлат ўрмон фонди ерларида иш олиб борувчи ёки ўрмонларда баъзи объектларга эга бўлган ҳамда ўрмон фонди ерларини маълум муддатга ижарага олган хўжаликлар, ташкилотлар, фермер хўжаликлари ва аҳолининг мавсумга тайёргарликларини текшириш, аниқланган камчиликларни биргаликда ҳал этиш ҳамда қатъий чоралар кўриш.

Бажаради: Туман ФВБ, ўрмон хўжалиги.

Муддати: Мавсум давомида

7.Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузувчиларни тезкорлик билан аниқлаш, уларни устидан зудлик билан тегишли ҳужжатларни тузиб, келтирилган зарарни ундириб олиш чораларини кўриш, ёнғинга қарши кураш мақсадида тезкорлик билан ҳаракат қилувчи гуруҳ тузиш уни ҳаракат йўналишини белгилаш ва шу мавзуда семинар ташкил қилиш.

Бажаради: Туман ФВБ, ўрмон хўжалиги.

Муддати: Мавсум давомида.

Муборак туман ҳокимининг 2020 йил
" 25 " июндаги HQ-743/06-сонли
қарорига 2-илова

2020 йилда Муборак Давлат ўрмон хўжалигининг Янги ариқ, Ҳотам, Ҳайит ота бўлимларида ҳамда Қорақум, Чорвадор, Обод турмуш, Олмазор, Муборак МФЙ худудларида фавқулодда ҳолатларда ёнғинни ўчириш

Р е ж а с и

Т/б	Муборак тумани	Жойлашадиган аҳоли		Ёнғинга қарши ўчириш асбоблари			Ўрмон бўлимининг номи	Техникалар сони	Шундан сув ташиш машинаси	Керакли нарсаларни юборадиган жойи	Тиббий ёрдам кўрсатилишини ташкил этишда жавобгар шахс	Ёнғин бўладиган жойида алоқани тиклаш бўйича жавобгар шахс	Ўрмон бўлими бошлиқларининг Ф.И.Ш	Ёнғинни ўчириш бўйича жавобгар шахс	Техника ва ёнғин ўчириш асбоб ускуналарни олиш жойи
		Жами	Шундан ёнғин ўчиришда қатнашади	болта	арра	белкурак									
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
1	**Яшнаобод (Қорақум)**	2700	2700	850	800	1050	Хотам	1	0	Фуқаролар йиғини	Муборак туман тез тиббий ёрдам кўрсатиш бўлими	Муборак туман электр тармоқлари	М.Бахронов	Бош ўрмончи	**Ўрмон хўжалиги, МФЙ хамда Жамоа-ширкат хўжаликлари омборлари**
2	**Чорвадор**	4087	4087	1300	1287	1500	Янги ариқ	1	0	Фуқаролар йиғини			Т.Жўраев		
3	**Обод турмуш**	2337	2337	777	660	900	Ҳайит ота	1	0	Фуқаролар йиғини			З.Тураев		
4	**Олмазор**	2242	2242	750	730	762		1	0	Фуқаролар йиғини					
5	**Муборак**	2156	2156	728	730	698		1	0	Фуқаролар йиғини					
Жами:		**13522**	**13522**	**4405**	**4207**	**4910**	**0**	**5**	**0**	**0**	**М.Равшанов**	**И.Норбутаев**	**0**	**Ж.Жалилов**	**0**